

Ассалому алайкум, кадрли ватандошлар!
Мухтарам мехмонлар!
Хонимлар ва жаноблар!
Кечагина биз халкимиз озодлиги йўлида жон фидо этган миллий кахрамонимиз Жалолиддин Мангуберди таваллудининг 800 йиллигини кенг нишонладик.
Бугун эса аждодларимиз бадиий дахосининг бебахо ёдгорлиги - "Алпомиш" достонининг 1000 йиллиги байрамида сиз, азизлар билан дийдор кўришиб турганимдан гоят мамнунман.
Хар кайси миллатнинг ўз афсонавий баходири, севган пахлавони бор. Алпомиш номи хам бизнинг шууримизга мунис оналаримиз айтган аллалар билан кирган. Аждодлар ёди, фахру гурури бизнинг хотирамизга Алпомиш тимсолида жо бўлган.
"Алпомиш" - ўзбекнинг ўзлигини намоён этадиган, мард ва танти халкимизнинг юрак-юрагидан чиккан, ота-боболаримиз авлодлардан авлодларга ўтказиб келаётган кахрамонлик кўшигидир.
Халкимиз азалдан ўз вужуди, ўз томирида мавжуд илохий кудратга муносиб бўлмокка интилиб яшади. Ўз ўглонларини мардлик ва халоллик, жасурлик рухида, эл-юрт учун жонини хам аямайдиган асл пахлавонлар этиб тарбиялаб келди.
"Алпомиш" достони бизга инсонпарварлик фазилатларидан сабок беради. Одил ва хакгўй бўлишга, ўз юртимизни, оиламиз кўргонини кўриклашга, дўсту ёримизни, ор-номусимизни, ота-боболаримизнинг мукаддас мозорларини хар кандай тажовуздан химоя килишга ўргатади.
Мухтарам биродарлар!
"Алпомиш" достони - бутун ўзбек халкининг маънавий мулкидир. Лекин нима учун биз унинг тўйини айнан Термиз шахрида, Сурхон вохасида ўтказяпмиз?
Негаки, Сурхон вохаси, аввало, "Алпомиш" достони тугилган кутлуг маскан. Алпомиш мана шу бепоён яйловларда, баланд тог дараларида гумбурлатиб от чопган, шу юртнинг зилол кўлларидан сув ичган, шу магрур элга муносиб пахлавон бўлиб етишган.
Шунинг учун хам Барчиной душманларга карата гурур билан: "Менинг ёрим билсанг Бойсун султони", деб айтади.
Сурхон жахон цивилизациясининг кадимий бешиклари - милоддан аввалги Кушон ва Бактрия давлатларига замин бўлгани билан оламга машхур. Вохадаги Далварзинтепа, Холчаён, Тиллатепа, Зараутсой, Тешиктош, Фаёзтепа сингари кўхна маконлар, у

ерларда топилган археологик ашёлар кўпминг йиллик тарихимизнинг ноёб ёдгорликларидир.
Бу тупрок азалдан илму хунар, хикмат ва санъат рухи билан йўгрилган. Имом Ат-Термизий, авлиё Хаким ота каби улуг зотларнинг ўлмас рухи, хаётбахш ўгитлари баркамол авлодларни вояга етказди. Шубха йўкки, "Алпомиш"дек буюк обидалар, Алпомишдек мард пахлавонлар айнан мана шундай мухитда дунёга келади.
"Алпомиш" тўйининг Термиз шахрида ўтаётганида мен яна бир рамзий маъно кўраман. Качонки ўлкамизга жануб тарафдан ёв хамла килган бўлса, Термиз унинг каршисида метиндек кўргон бўлиб келган. Термиз бугун хам она юртимизнинг жанубий сархадларида мустахкам калъа бўлиб турибди.
Мана шу чегара худудларида кўксини калкон килиб табиатан огир-вазмин, аммо Ватан бошига синов тушса, жон фидо этишга хам тайёр ориятли халк яшайди.
Бу довюрак ва ўктам халкнинг - Сурхон ахлининг юрагида Алпомиш каби пахлавонлардан мерос колган шижоат яшайди.
Бу юртда дунёнинг кураш майдонларида кураги ерга тегмасдан зафар козониб, ўзбек номини бутун оламга тараннум этаётган юзлаб полвонлар яшайди.
Ишончим комилки, бундай кудрат сохиби бўлган халкни хеч кандай ёвуз куч енголмайди.
Хурматли мехмонлар, азиз ватандошлар!
Бугун биз сизлар билан "Алпомиш" достонининг 1000 йиллик тўйини нишонлаяпмиз. Лекин бу достонда тасвирланган вокеалар юртимизнинг неча-неча минг йиллик шонли тарихидан дарак беради.
Асардаги кичик бир далилга мурожаат килайлик. Халкимизнинг кадимий тасаввурларига кўра, ўк-ёй - хокимият нишони хисобланган. Алпомиш етти ёшида ўн тўрт ботмон биричдан - бронзадан ясалган ёйдан ўк отиб, "алп" деган унвонга эга бўлади. Алп дегани - хокимият эгаси эканини инобатга олсак, бу достон кўп асрлик миллий давлатчилигимизнинг бадиий ифодаси эканига ишонч хосил киламиз.
Аслида, халкимизнинг кадимий ва шонли тарихи туганмас бир достон бўлса, "Алпомиш" ана шу достоннинг шохбайтидир. Бу мумтоз асарда тарих тўфонларидан, хаёт-мамот синовларидан омон чикиб ўзлигини йўкотмаган халкимизнинг багрикенглик, матонат, олижаноблик каби эзгу фазилатлари ўз ифодасини топган.
Мухтарам юртдошлар!
Бугунги муборак айёмда биз "Алпомиш"дек сўз дурдонасини яратган, уни асрлар оша авлодларга етказиб келган ижодкор халкимиз дахоси олдида бош эгамиз.
Бугун биз минг йиллар давомида бу достонни куйлаб, гавхардай асраб-авайлаб, бойитиб келган, номлари бизга номаълум бўлган юзлаб халк бахшиларининг истеъдоди каршисида таъзим киламиз.
Агар иложи бўлса, мен ана шу инсонларнинг номларини маънавиятимиз тарихига олтин харфлар билан ёзган бўлур эдим.
Мухтарам жамоат!
Бахши-шоирлар ўз халкининг бийрон тилидир. Улар юртимизда доимо "Бахшили эл - яхшили эл" деб улугланган.
Бугун биз Ёдгор бахши ва Тилла кампир, Жоссок шоир ва Амин бахши, Шерна бахши ва Эргаш Жуманбулбул, Фозил Йўлдош ва Пўлкан шоир, Ислом шоир ва Абдулла шоир, Саидмурод Панох ва Бекмурод Жўрабой ўгли, Берди бахши ва Рахматулла Юсуф ўгли, Кодир шоир ва Шоберди бахши каби достончиларнинг номларини эхтиром билан тилга оламиз. Уларнинг ноёб кобилияти, юксак махорати туфайли "Алпомиш" бор салобати ва

нафосати билан яшаб келмокда.
Бугун биз бу ўлмас асарни ёзиб олиш, нашр этиш, илмий ўрганиш, таржима ва таргиб килиш ишига улкан хисса кўшган Ходи Зариф, Хамид Олимжон, Музайяна Алавия, Мансур Афзалов каби захматкаш инсонларни, кўплаб хорижий олимларни хам миннатдорлик билан эслаймиз.

Хурматли юртдошларим!
Термиз - Самарканд, Бухоро, Хива сингари халкимизнинг бунёдкорлик салохиятини бутун дунёга намоён этган кўхна шахримиздир.
Мен бугун сизларнинг хузурингизда шуни маълум килишдан бахтиёрманки, биз хадемай Термиз шахрининг 2500 йиллигини халкаро микёсда кенг нишонлаймиз. Шу маънода бугунги Алпомиш тўйи бўлажак катта тўйнинг дебочаси, десам, хато бўлмайди.
Бугун биз ўз афсонавий баходиримизга бўлган чексиз эхтиром ифодаси сифатида бунёд этилган Алпомиш ёдгорлик мажмуини тантанали суратда очдик.
Кўз ўнгимизда енгилмас, жасур Алпомиш ўз уйи, ўз ёри, ўз юртини ёвуз ниятли ганимдан химоя килмокка шай бўлиб, шижоат ва катъият билан кад ростлаб турибди.
Унинг тимсолида Ватанимизни ёмон кўзлардан, бало-казолардан асрашга кодир, керак бўлса, бу йўлда жонини хам фидо килишга тайёр бўлган азамат ўглонларимиз - бугунги алпомишларнинг маънавий киёфаси мужассам.
Мана шу фурсатдан фойдаланиб, мажмуани барпо килишда юксак махорат ва санъатини намоён этган кўлигул усталарга, мохир курувчиларга, меъмор-мухандисларга ўз номимдан, бутун халкимиз номидан ташаккурлар айтишга ижозат бергайсизлар.
Мен алохида мамнуният билан мана шундай савобли ишларимизда бизга хамиша хайрихохлик кўрсатиб келаётган ЮНЕСКО вакилларига, бугунги шодиёнамизга узок-якиндан ташриф буюриб, кувончимизга шерик бўлган барча хорижий мехмонларга чукур миннатдорлик изхор этаман.
Мухтарам ватандошлар!
Йиллар, асрлар ўтади, она Ўзбекистонимизда янги-янги авлодлар вояга етади.
Ишонаман, хар бир авлод мана шу кахрамонлик достонини асраб-авайлаб келгуси авлодларга етказади.
Ишонаман, халкимиз бугунги шодиёнадан рухланиб, кадр-кимматини янада чукуррок англайди, ўзининг бекиёс жасоратини, букилмас иродасини, мустахкам иймон-эътикодини намоён этиб, ёруг келажак сари катъият билан бораверади.
Ишонаман, хар кайси кишлок, хар кайси шахар, хар бир хонадондан янги-янги алпомишлар дунёга келади, ватанга садокатли, жасур ва енгилмас инсонлар бўлиб улгаяди.
Сурхон вохасининг бетакрор табиати, Боботог, Бойсун, Вахшивор сингари баланд тоглари, Олтинсой, Сангардек, Сайроб, Хонжизза каби гўзал гўшаларини бир бор кўрган одам беихтиёр бу юртга мафтун бўлиб колади.
Бу заминда яшаб, фидокорона мехнати билан унинг кўркига кўрк, чиройига чирой кўшаётган инсонларга, айникса, ёш ўгил-кизларимизга менинг хавасим келади.
Хар кандай инсон бу юраги очик, мард ва танти, хам жисмонан, хам маънавий жихатдан соглом одамлар билан чин кўнгилдан якин бўлишни истайди.
Шу унутилмас, хаяжонли дамларда Алпомишдек баходирларни камолга етказган она халкимга яна бир бор таъзим киламан.
Юртимиз осмони доим мусаффо, халкимиз хамиша омон бўлсин!

"Алпомиш" достонининг 1000 йиллигига баўишланган тантанали маросимда сўзланган нутк .1999 йил 6 ноябрь